

Набий алайҳиссаломнинг дуо ҳақида тавсиялари



14:00 / 17.02.2023 1803

Муъоз ибн Жабал розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам бир одамнинг «Аллоҳим! Албатта, мен сендан батамом неъматни сўрайман», деб дуо қилаётганини эшитиб қолиб: «Батамом неъмат нима?» дедилар.

«Яхшилик орзусида қилинган дуоим», деди.

«Албатта, жаннатга кирмоқ ва дўзахдан қутулмоқ неъматнинг батамомлигидандир», дедилар.

У зот бошқа бир кишининг «Яаа залжалоли вал икром» деганини эшитиб қолиб:

«Сенга ижобат қилинди. Сўрайвер!» дедилар.

У зот яна бир кишининг «Аллоҳим! Сендан сабрни сўрайман», деганини эшитиб:

«Сен Аллоҳдан балони сўрадинг. Сен Ундан офиятни сўра», дедилар».

Демак, сўрашнинг ҳам нозик томонларига эътибор бериб, оғиздан чиқаётган ҳар бир сўзга эҳтимомли бўлмоқ лозим экан.

Биринчи дуо қилувчи ўзи сўраётган нарсани аниқ билмас экан. Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам унга ўша нарсани аниқлаб олишга ёрдам бердилар.

Иккинчи дуо қилувчи сўраганини берадиган даражада яхши сўзларни зикр қилиб турган экан, уни хоҳлаган нарсасини сўрашга чорладилар.

Учинчи дуо қилувчи сўровни нотўғри қилаётган экан. Расулulloҳ

соллаллоҳу алайҳи васаллам унга тўғри сўрашни ўргатдилар.
Бундан илмли кишилар одамларга дуони ҳам ўргатиб туришлари
кераклиги келиб чиқади.

***«Ҳадис ва ҳаёт» китоби асосида
Муҳаммад Али Муҳаммад Юсуф тайёрлади***